



## ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Хидиров Фурқат Шукруллаевич

ИИВ Малака ошириш институти

Касбий махсус фанлар кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7532950>

### ARTICLE INFO

Received: 02<sup>nd</sup> January 2023

Accepted: 11<sup>th</sup> January 2023

Online: 12<sup>th</sup> January 2023

### KEY WORDS

### ABSTRACT

*Тарихий жараёнлар инсонлар яшаши ва ўзларини турли тажовузлардан ҳимоя қилишга ўргатди. Таъкидлаш лозимки, инсоният ҳаётининг дастлабки босқичларида ҳам одамлар табиат томонидан яратиб қўйилган жойлар, масалан, ғор, унгур ва адир жойларда яшаш орқали қандайдир маънода ўзларини ташқи кучлардан ҳимоя қилиш мақсадида маълум маънода кўникмаларга эга бўлиб келган.*

Тарихий жараёнлар инсонлар яшаши ва ўзларини турли тажовузлардан ҳимоя қилишга ўргатди. Таъкидлаш лозимки, инсоният ҳаётининг дастлабки босқичларида ҳам одамлар табиат томонидан яратиб қўйилган жойлар, масалан, ғор, унгур ва адир жойларда яшаш орқали қандайдир маънода ўзларини ташқи кучлардан ҳимоя қилиш мақсадида маълум маънода кўникмаларга эга бўлиб келган.

Бу жараёнлар давлатчиликнинг илк даврларида шаклланди, таъкидлаш лозимки ушбу даврларда жамият аъзоларининг озчилик қисмини ташкил этувчи зодагонлар қатлами манфаатларини кўзловчи ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни мақсад қилган, улар томонидан ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилган қоидаларни бузилишига қарши курашувчи куч ишлатар тузилмалари пайдо бўлди. Ўз навбатида мазкур куч ишлатар тузилмалар ўз фаолиятини ташкил этиш, лозим ҳолларда ҳуқуқбузар деб ҳисобланган шахсларни ушлаб туришга мўлжалланган “бино”лари ташкил этилиб, бугунги кунда улар замирида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари шаклланди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбек давлатчилиги тарихида ҳам бугунги кундаги маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига ўхшаш тузилмалар мавжуд бўлган, хусусан Ўрта Осиё хонликлари Хива, Қўқон хонликлари ва Бухоро амирлигида мавжуд бўлган “**Миршабхона**”лар ўша даврларда ҳуқуқ-тартибот маскани вазифасини ўтаб берган<sup>1</sup>.

Ундан кейинги даврларда Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши билан участка приставлари ташкил этилиши билан боғлиқдир. Ватанимиз тарихини XIX аср охири – XX аср бошларига тааллуқли даврини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлати архивида сақланаётган Туркистон генерал губернаторлиги уездлари участка приставлари фондларига тегишли ҳужжатлар ҳам

<sup>1</sup> Марказий Осиё маданияти тарихи ва тарихшунослиги масалалари. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2019 йил



колониал даврда Фарғона водийсининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганиш бўйича муҳим тарихий манба ҳисобланади. Туркистон ўлкасида 1899 йилга қадар участка приставлари вазифасини уездлар бошлиқларининг ёрдамчилари бажаришган. 1899 йилда Россия империяси давлат иқтисодиёти ва қонунлари қўшма департаментлари, Ҳарбий вазирликнинг Туркистон ўлкасида участка приставлари лавозимини жорий этиш тўғрисидаги тақдимномасини, тасдиқлашга қарор қилади<sup>2</sup>.

Маҳаллий ҳолатлардан келиб чиқиб, приставларни уездлар бўйича тақсимланиши, генерал губернатор томонидан тасдиқланадиган вилоят бошқармасини қарорига асосан амалга оширилган. Участка приставлари лавозими 1917 йилда тугатилган. Мазкур фондларда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ва уездлар бошлиқларини циркулярлари ва қарорлари, приставларнинг участкалар бўйича буйруқлари, турли ёзишмалар, экин майдонлари ва улардан олинадиган маҳсулотларнинг турлари, волостларнинг даромадлари, мадраса ва масжидларнинг фаолияти, аҳолининг кўчма ва кўчмас мол-мулкларини хатланиши, йиғим ва солиқларни тақсимланиши, йўллар ва ариқларни тартибга солиниши ҳақидаги статистик маълумотлар ёзма манба сифатида ўрин олган. Масалан, Скобелев уездида Қува участка пристави, Андижон уездида Бозорқўрғон участка пристави, Марғилон уездида Олтиариқ участка пристави ва Асака участка пристави муассасалари колониал даврнинг турли йилларида фаолият кўрсатган.

Таъкидлаш лозимки, манбааларда участка приставлари аҳолидан солиқлар ундириш билан ҳам шуғулланганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Андижон уезди Бозорқўрғон участка пристави томонидан Жалолобод, Ўзган, Бозорқўрғон, Майгир, Қўқонқишлоқ участкалари назорат қилинган. Мазкур фонд материалларида 1912 йилда, маҳаллий маъмуриятни, ариқ оқсоқолларни, отлиқ қоровулларни, рус-тузум мактабларини моддий таъминоти учун аҳолидан олинган йиғим ва солиқлар ҳақидаги маълумотлар учрайди<sup>3</sup>.

Шунингдек, Э. Нарбутаев таъкидлаганидек, давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг зиммасига жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган<sup>4</sup>. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ИИОнинг ҳуқуқий мақоми шаклланиб, муайян даражада мустаҳкамланиб борган бўлса-да, ИИО тизими жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолиятини мустабид тузумдан қолган тартиб ва усуллар асосида олиб борар эди. Маъмурий ҳудудларда собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб

---

<sup>2</sup> *Мирзаев А.Т., Собиров Д.* Участка приставлари фондлари – ҳужжатли манба сифатида (колониал давр мисоли). // Марказий Осиё маданияти тарихи ва тарихшунослиги масалалари. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2019 йил

<sup>3</sup> *Мирзаев А.Т., Собиров Д.* Участка приставлари фондлари – ҳужжатли манба сифатида (колониал давр мисоли). // Марказий Осиё маданияти тарихи ва тарихшунослиги масалалари. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2019 йил.

<sup>4</sup> *Нарбутаев Э.* Лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати ҳамда ички ишлар органларининг руҳсат бериш фаолияти // *Общество и инновации.* – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 40-47.



қолган участка пунктлари мазмунига кўра участка инспекторларининг хизмат хоналаридан иборат эди, холос<sup>5</sup>.

Шу боисдан, ушбу тизимни такомиллаштириш, уни замон талабларига мослаштириш зарурати туғилган эди. Жумладан, 1999 йил 16 февраль воқеаларидан сўнг жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш зарурати мавжудлиги кўриниб қолди. Бу борада зарурий чора-тадбирларни самарали меҳнзимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозимлиги чуқур ислоҳотлар амалга оширилишини кўрсатиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида”ги 170/40-сон (12.04.1999 й.) қарорида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг амалдаги тизими замон талабига жавоб бермаслиги кўрсатилди<sup>6</sup>. Республикада юзага келган вазият, қолаверса, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари жамиятда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини самарали таъминлаш учун ИИО тизимида туб ислоҳотлар амалга оширишни тақозо этди.

Республикамиз ИИОда 1999 йилдан бошланган ислоҳотларнинг бу борада илгари амалга оширилган ишлардан фарқи унинг бутун тизимни қамраб олганлиги, фаолиятнинг барча муҳим соҳаларига қаратилганлиги, бир сўз билан айтганда, комплекс хусусиятида намоён бўлди.

Кўрсатилган қарор билан Тошкент шаҳар ИИББ таркиби қайта ташкил этилди, ППХ ва ЙПХ фаолияти мутлақо янгича асосда йўлга қўйилди, милиция участка инспекторлари негизида профилактика инспекторлари институти ташкил этилди<sup>7</sup>. Тошкент шаҳридаги 444 та маҳалланинг барчасида Таянч пунктлари ташкил этилиб, уларда 1200 га яқин Профилактика инспекторларининг фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига олиб келадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш имконини берди, мамлакатимизда жинойат вазиятини сезиларли даражада соғломлаштиришни таъминлади<sup>8</sup>.

Тошкент шаҳридаги тажриба тариқасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасидан келиб чиқиб, уларни республика миқёсида жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йилнинг

5 *Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 11.

6 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида”ги 170/40-сон (12.04.1999 й.) қарори

7 *Пулатов Ю.С.* С чего начинается реформирование органов внутренних дел // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 2004. – № 4. – С. 83.

8 *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 96.



27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2822 Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 6 июндаги “Жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар Вазирлиги профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида”ги 247-41-сонли Қарори билан ҳар бир маҳалла, авул, қишлоқ ва шаҳарчаларда милиция таянч пунктлари ташкил этилиши белгиланиб, уларнинг Низоми тасдиқланди. Ушбу низомнинг муҳим жиҳатларидан бири милиция таянч пунктлари таркибини белгилаб берди, хусусан уларнинг таркибига профилактика инспектори, тергов, тезкор қидирув, ППХ ва ЖТСБ, ЙХХ, ФРБ ва ХЧК хизматлари, маҳалла фуқаролар йиғини, яраштириш комиссияси каби жамоат тузилмалари киритилиб, уларнинг ҳамкорликда фаолият юритиши механизми яратилди.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бир иштирокчиси ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлганидек, ўтган йиллар давомида таянч пунктларининг ҳам ўзига хос ҳуқуқий мақоми шаклланди. Ҳуқуқий мақом – субъектнинг ҳуқуқ нормалари билан белгилаб берилган ҳолати, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуидир<sup>9</sup>.

Таъкидлаш лозимки, мустақил Ўзбекистон ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш жараёнлари, Собиқ Иттифоқ давридаги айрим тушунчалардан воз кечиш ва уларнинг бутунлай янги кўриниши ва номланиши зарурати мавжудлигини кўрсатди.

Шу боисдан, ички ишлар органларининг фаолиятини унинг таркибий тузилмаларининг бутунлай янги тизимини яратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди ва уларнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Жумладан, ислохотларнинг бугунги босқичида Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим роль ўйнади.

Таъкидлаш лозимки, ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш борасидаги масалаларга Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида эътибор қаратаётганлиги эса алоҳида эътиборга сазовардир. Жумладан, бу борада: “Таъкидланганидек, ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ички ишлар органлари тизими тубдан такомиллаштирилди, профилактика инспекторларининг билими ва касб тайёргарлигини ошириш, улар учун муносиб иш шароити яратиш, ўз вазифаларини бажариш натижадорлиги учун моддий рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш ҳамда бевосита ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминлаш чоралари кўрилди”<sup>10</sup>, - деб таъкидлаб соҳадаги ўзгаришлар бугунги кун талаби эканлигини кўрсатиб ўтди.

Ҳуқуқшунос олим М.З.Зиёдуллаев бу борада: “Дарҳақиқат, таянч пунктларининг фаолияти йўлга қўйилган дастлабки даврларда унинг моҳиятини тушуниш, мақсади ва

9 Правовой\_статус / [Эл. манба]. – URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki/> (мур. вақти: 14.05.2016).

<sup>10</sup> Мирзиёев Ш.М. Олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилмоқда // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 21.11.2017).



вазифаларини белгилаб олишда, табиийки, турлича ёндашувлар ва ўзига хос қийинчиликлар кузатилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг илгари қабул қилинган, сўнгра янгисига алмашган ва амалдаги буйруқларида ҳамда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида «милиция таянч пункти» тушунчасига турлича таъриф бериш, унинг моҳиятини турлича талқин қилиш ҳоллари кузатилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016 й.) қонунининг қабул қилиниши бу борадаги турлича баҳс-мунозараларга барҳам берди<sup>11</sup>, - деб таъкидлаб ўтиб уларнинг ечими топилганлигини кўрсатиб ўтди.

Қонуннинг 15-моддасида ИИО ТПлари туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) ИИОнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ҳамда қишлоқларда, овулларда ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, жинойтчиликка қарши курашишни бевосита таъминлайдиган асосий қуйи бўғини эканлиги белгилаб берилди<sup>12</sup>.

Шу билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳар томонлама таҳлил қилиб берилди. Бу борада давлат идоралари ва жамоатчилик тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги боис чуқур ўйланган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир»<sup>13</sup>, - деб таъкидлаб, айнан юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ5005-сон (10.04.2017 й.) фармони ва «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон (18.04.2017 й.) қарорининг қабул қилиниши ИИО ТПлари фаолиятини, уларни бошқаришни янада такомиллаштиришга хизмат қилди<sup>14</sup>.

Президентнинг мазкур қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги низом билан таянч пунктларининг ҳуқуқий мақоми, улар

<sup>11</sup> М.З.Зиёдуллаев. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2019. 171 б.

<sup>12</sup> ЎзРнинг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016 й.) қонуни // ЎзРнинг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.

<sup>13</sup> Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жинойтчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.11.2017).

<sup>14</sup> М.З.Зиёдуллаев. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2019. 171 б.



фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳуқуқий жиҳатдан янада мустақамланди. Ҳаракатлар стратегияси, кўрсатилган фармон ва қарорлар асосида амалга оширилган ислохотлар натижасида ИИОнинг аҳолига яқинлигини таъминлаш ва узоқда жойлашган аҳоли пунктларида фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида республикада қўшимча равишда 175та шаҳар, қўрғон ИИБлари ва 824та таянч пунктлари ташкил этилди<sup>15</sup>. Қолаверса, профилактика инспекторлари сони 5867 тадан 6969 тага оширилди<sup>16</sup>.

Ислохотларнинг бугунги босиқчида ҳуқуқбузарлик жамият ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий-ҳуқуқий ва руҳий ҳодиса бўлиб, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жиноятчиликка қарши курашишда бош йўналишга айланди. Аммо, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар бартараф этилмас экан керакли натижага эришиб бўлмайди.

Таъкидлаб ўтиш этиш жоизки, кейинги йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида қуйидаги жиддий камчилик ва муаммолар тўпланиб қолган эди:

аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳоланганлиги, оқибатда ушбу фаолиятга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари томонидан лозим даражада эътибор қаратилмаганлиги;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан, содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолганлиги, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар кўрилмаганлиги;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, ушбу фаолиятда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаганлиги;

ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги, бу борадаги ишлар кутилган натижани бермаганлиги;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизими яратилмаганлиги, ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус

<sup>15</sup> Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар: биринчи босқич якунлари ва истиқболдаги вазифалар // ЎЗР ИИБ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б. 5.

<sup>16</sup> М.З.Зиёдуллаев. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2019. 171 б.



кўрсатмаганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги;

қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш зарурати юзага келганлиги.

Шу боисдан, ушбу йўналишдаги ислохотлар изчил давом эттириш, уларни янада такомиллаштириш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни барҳам топтиришга қаратилган таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ушбу бошқарманинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Тинчлик ва соғлиқни таъминласак, қолган ҳамма нарсага эришамиз, дейди давлатимиз раҳбари. Шу мақсадда мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди. Кейинги икки йилда соҳага доир 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан, ички ишлар органлари барча бўғинларининг тузилмаси ва ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, ходимларнинг 65 фоизи аҳолига яқин бўлиши учун маҳаллаларда ишлайдиган бўлди. Асосий эътибор жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилди. Бунинг учун профилактика инспекторлари сони қўшимча 1 минг нафарга кўпайтирилди, уларнинг бевосита жойларда самарали хизмат ўташи учун муносиб ижтимоий-маиший шароит яратиб берилди<sup>17</sup>.

“Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм”, “Хавфсиз хонадон” тизимлари жорий этилгани, 24 соат патруллик хизмати йўлга қўйилгани натижасида одамларда “адолат ва қонун устуворлиги”га ишонч пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Профилактика ишлари таҳлилга асосланиши керак. Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида жиноятчиликнинг жойи ва тури бўйича чуқур маълумот бўлиши, бунинг учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари мунтазам бирга ишлаши зарур. Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, прокуратура – ҳаммаси халққа хизмат қилиши керак. Шу билан бирга, жамиятда ҳам жаҳолатга қарши маърифат кучли бўлиши лозим. Муҳит шундай бўлиши керакки, ҳеч ким жиноятга қўл ура олмасин”,<sup>18</sup> - деб таъкидлаб ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан эканлигини белгилаб берди.

Дарҳақиқат амалга оширилган ислохотлар натижасида кўзга кўринарли натижаларга эришилди, жумладан Худудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш мақсадида 7 910 жамоатчилик масканлари ташкил этилиб кенг профилактик тарғибот ишлари олиб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 4 518(49,6% жами маҳаллалар сони 9 116 та) маҳаллаларда жиноят содир этилишига йул қўйилмади. Барча йўналишлар бўйича содир этилган жиноятлар сони 8 899 тага (34 243/25 344) ёки

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов: "Халқпарвар тизим яратилади" Норгул Абдураимова, ЎЗА (Материал Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев 10 январь куни Тошкент шаҳри Юнусobod туманидаги 7-ички ишлар бўлимига ташрифи. <https://iibb.uz/uz/news/>.



25,9% га жиноят-қидирув йўналишидаги жиноятлар сони 7 071 тага (21 089/14 018) ёки 33,5% га камайишига эришилди.<sup>19</sup>

Бу натижалар халқаро миқёсда ҳақли эътирофга сазавор бўлмоқда. Жумладан, Gallup халқаро тадқиқот компанияси томонидан эълон қилинган дунёнинг энг хавфсиз мамлакатлари рўйхатида Ўзбекистон 95 балл билан 2-ўринда қайд этилган. Таҳлил давомида 135 та мамлакат майдони, хавфсизлик ҳолати, қонун устуворлиги ва тартиб каби бир неча тоифалар бўйича 100 баллик тизимда баҳоланган<sup>20</sup>. Лондон Иқтисодиёт ва тинчлик институтининг Global Terrorism Index 2017 рейтингига кўра, Ўзбекистон 0,077 балл билан 163 мамлакат орасида 125-ўринда қайд этилган бўлиб, террор хавфи энг паст мамлакатлар қаторидан ўрин олган<sup>21</sup>.

Шундай бўлсада, бугунги кунда айрим турдаги жиноятларнинг ортиб бораётганлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги чора-тадбирларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Ҳозирги вақтда, аҳоли сони йилига 2,1 фоизга ёки 712 500 нафарга (34 557 600/35 270 000) ўсиб боришига қарамасдан, жорий йилнинг 3 ойида амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида, бир қатор оғир ва ўта оғир жиноятлар қисман бўлса ҳам камайишига эришилди.

Жумладан, қотилликлар 14,6 фоизга ёки 15 тага (100/88), оғир тан жароҳати етказиш 3 фоизга ёки 6 тага (199/193), талончиликлар 18,2 фоизга ёки 34 тага (187/153), босқинчиликлар 31,9 фоизга ёки 22 тага (69/47), безориликлар 7,8 фоизга ёки 34 тага (434/400), енгил тан жароҳати етказиш 16,2 фоизга ёки 155 тага (959/804), номусга тегиш 18,5 фоизга ёки 10 тага (55/44), жами йўл-транспорт ҳодисалари 1,4 фоизга ёки 21 тага (1491/1470), шундан ўлим билан боғлиқ 10,2 фоизга ёки 40 тага (391/351) камайишига эришилди<sup>22</sup>.

Албатта, ҳар бир жиноят ортида инсон қадри ва тақдири турганлигини унутмаслигимиз керак, шу сабабли бу рақамлар бизни хотиржамликка берилишга асос бўлмайди.

Жорий йилнинг 3 ойида республикада жами 23 297 та (2021 – 20 384) жиноятлар қайд этилган бўлиб, 14,3 фоизга ошиб кетишига йўл қўйилган, кўча ва жамоат жойларида 1 319 та (2021 – 1 222) жиноятлар содир этилган бўлиб, 8 фоизга ошган. Таъкидлаш лозимки, содир этилган жами 23 297 та жиноятларнинг 14 452 таси ёки 62 фоизи айнан олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар бўлиб, агарда ўз вақтида ва тўғри иш ташкил этилганда, содир этилган жиноятларнинг 62 фоизи олди олинар эди<sup>23</sup>.

<sup>19</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2019/12/18/iiv-jinoyatchilik/>.

<sup>20</sup> <https://sputniknews-uz.com>

<sup>21</sup> <https://sputniknews-uz.com>

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш.Р.Абдуллаевнинг Жамоат хавфсизлиги департаменти ХПХ, ЖТСХ бўлинмаларининг 2022 йил 3 ойи якунлари сарҳисоби бўйича ўтказиладиган йиғилишдаги маърузаси.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш.Р.Абдуллаевнинг Жамоат хавфсизлиги департаменти ХПХ, ЖТСХ бўлинмаларининг 2022 йил 3 ойи якунлари сарҳисоби бўйича ўтказиладиган йиғилишдаги маърузаси.



Демак, жамиятда жиноятларни бутунлай йўл қилиб ташлашнинг имкони йўқ балки самарали чора-тадбирларни амалга ошириш орқалигина уни барқарорлаштириш мумкин.

Криминолог олим Ю.М. Антонян “жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди, у фақат жамият билан бирга барҳам топиши мумкин”<sup>24</sup>, - деб таъкидлаб энг муҳими жиноятчиликни жиловлаш, уни барқарорлаштириш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Бу борада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда субъектлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, етарли шарт-шароитларни яратиш, шу билан бир қаторда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини замонавий техника воситалари билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур йўналишдаги муаммолар ва камчиликлар кўплаб мамлакатларда ҳам учрайди ва бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан ички ишлар органлари ходимларнинг фаолиятини ташкил этишда тўсиқлар пайдо бўлиб келишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Тожикистонлик тадқиқотчи Н.Д.Назаров: “Жамоат хавфсизлигини таъминлашда патруль-посит хизматлари фаолиятини мунтазам кучайтириб бориш. Биринчи навбатда замонавий алоқа воситалари билан таъминланган милиция постларини ташкил этиш. Жамоатчилик билан ҳамкорликни шакллантириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий ва тушунтириш ишларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади”<sup>25</sup>, - деб таъкидлаб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш жойи бўлиши шартлигини кўрсатиб ўтган.

Юқоридаги фикрларга асосланиб таъкидлаш лозимки маҳаллада профилактика инспекторининг ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизмат ходимлари, Миллий гвардия органлари ходимлари, жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини механизмини кучайтириш талаб этилади.

Жиноятчиликни жиловлаш ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишда ички ишлар органларигина эмас балки барча давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг ҳамкорликдаги фаолиятини йўлга қўйиш орқали натижага эришиш мумкинлигини замон кўрсатиб турибди. Бу борада эса уларнинг биргаликда ишлашини ташкиллаштиришда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг роли алоҳида ўринни эгаллайди.

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришнинг аниқ механизми бўлиши лозим, акс ҳолда бу фаолият керакли натижа бермайди. Хусусан, ҳамкорликни ташкил этишнинг ягона маркази, амалга ошириладиган ишларнинг режаси ва аниқ йўналишлари, тадбирлар ҳамда уларни ижро этиш йўллари белгилаб олинмаса бу йўналишдаги ишларга беҳуда вақт сарфланишига олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларини ҳамкорлигини мувофиқлаштириш зарурати мавжудлиги, бугунги ислохотлар жараёнида мазкур масалани ечимини топиш кераклигини кўрсатди. Шу боис, кўзга

24 Теоретические основы предупреждения преступности. – М., 1977. – С. 30–31.

25 Назаров, Носир Джобирович. Организационно-правовые основы становления и развития милиции Таджикистана: 1917-2006 гг. тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.01.



кўринарли ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилиб, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармонида ички ишлар органлари таянч пунктлари негизида босқичма-босқич маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини ташкил этиш белгиланди.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш имконини янада оширди.

Хусусан, Фармон билан маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани таянч пунктлари негизида босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида ташкил этилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи тузилмага айлантирилиши режалаштирилди, хусусан:

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари, Миллий Гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилади;
- маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланади;
- профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш “Smart маҳалла” ахборот дастури асосида ташкил этилади;
- жойлардаги вилоят ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидаги ахборот ресурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан “профилактик огоҳлантирув мурожаат” қилиб бориш амалиёти жорий этилади.

Демак, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қўйи бўғини ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-5050-сон Қарорида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги низом қабул қилинди, мақоми ва асосий вазифалари белгилаб берилди.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ҳамкорлигини таъминлашдаги роли қўйидагиларда намоён бўлади, биринчидан, ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти маҳаллалар кесимида ички ишлар органлари, бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг биргаликдаги ишларини ташкил этишга йўналтирилганлиги; иккинчидан, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий ҳуқ-атоврга эга, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил



этиш вазифалари юклатилганлиги; учинчидан, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини ташкил этиш бўйича субъектларнинг аниқ вазифалари белгилаб берилганлиги ва уларнинг ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш фаолияти натижалари таҳлил қилиниши тартиби киритилганлиги.

Аммо, бугунги кунда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга тўсқинлик қилувчи қуйидаги муайян камчиликлар мавжуд мумкин, *биринчидан*, ҳуқуқ-тартибот масканлари энг замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан тўлиқ таъминланмаганлиги; *иккинчидан*, ягона марказлашган электрон кузатиш ва мониторингни амалга оширишни заруратининг мавжудлиги; *учинчидан*, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича бошқа давлат органлари, миллий гвардия органлари ва жамоат тузилмаларининг аниқ вазифаларини белгилаб берилмаган.

*Демак маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ҳамкорлигини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:*

- республиканинг барча ҳудудларида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини ташкил этиш ва уларни замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш;
- Миллий гвардия органлари ва маҳаллада фаолият юритувчи жамоат тузилмаларининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш бўйича вазифаларини белгилаб бериш;
- Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари инфратузилмасини (хоналар, майдони, атрофидаги қурилмалар ва бошқалар) белгилаб берувчи вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш.

Таъкидлаш лозимки, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини ташкил этиш жараёнида энг замонавий усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда масканни жазо берувчи жой эмас балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантирувчи, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатувчи масканга айлантириш лозим. Бугунги кунга келиб, яъни демократия шароитида давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, мурсоаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланмоқда. Замонавий ҳуқуққа эса, ижтимоий ҳамжихатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилмоқда<sup>26</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, маҳалла ҳуқуқ тартибот масканида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорликдаги фаолияти жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат

<sup>26</sup> Ҳ.Т. Одилқориев ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик., Профессор Ҳ.Т.Одилқориев умумий таҳрири остида.Т.:2007., Б.31



қуриш учун энг аввало жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишга йўналтирилиши лозим.